
БИЛАСИЗМИ?

Бугун Риштон тумани ҳоқими Суфҳонжон Солиев Туда қишлоғидаги қабристонда давом этаётган ҳашар жараёнларини куздан кечирди.

Маълум бўлишича, ушбу қабристонда Қўқон хонлигининг сўнгги ҳукмфармоси Сайид Муҳаммад Худоёрхон Шералихон ўғлининг авлодларидан бири бўлмиш Сайид Умарбек Ибн Сайид Муҳаммад Худоёрхоннинг қабри жойлашган.

Айтишларича, Худоёрхоннинг авлодларидан бири Туда қишлоғида истиқомат қилган. Қабрдаги битикда Сайид Умарбек Ибн Сайид Муҳаммад Худоёрхон 1863 йилда туғилиб, 1928 йилда вафот этгани ёзиб қўйилган. Туман ҳоқими Сайид Умарбек Ибн Сайид Муҳаммад Худоёрхон қабрини зиёрат қилди.

2021-02-06 17:05:00